

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА БАРНО ИБРАГИМОВНА**

**ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ  
(ўзбек ва қозоқ мактаб дарсликлари асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Philological Sciences**

**Қодирова Барно Ибрагимовна**

Ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминларининг қиёсий-типологик таҳлили  
(ўзбек ва қозоқ мактаб дарсликлари асосида)..... 3

**Қодирова Барно Ибрагимовна**

Сравнительно-типологический анализ узбекских и казахских  
лингвистических терминов (на примере учебников узбекских и  
казахских школ)..... 23

**Kadirova Barno Ibragimovna**

Comparative-typological analysis of Uzbek and Kazakh linguistic terms  
(based on Uzbek and Kazakh school textbooks) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА БАРНО ИБРАГИМОВНА**

**ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ  
(ўзбек ва қозоқ мактаб дарсликлари асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil227 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаев Ибодулло Камолович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бакиров Ноби Уралович**  
филология фанлари доктори

**Дадабоев Хамидулла Арипович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси)



*[Signature]*  
**М.Қ.Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

*[Signature]*  
**А.Б.Нардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.д.

*[Signature]*  
**А.Э.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисоний ҳодисаларни замонавий илм-фан доирасида изоҳлашга, ижтимоий-сиёсий муҳит, миллий-маданий, тарихий нуқтаи назардан қиёслаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё тиллари лингвистик терминлар тизимининг тараққиёт босқичларини, тарихий илдизларини, қардошлик хусусиятларини муайян тиллар материаллари асосида қиёслаш, уларнинг дидактик адабиётларда қўлланилиш даражасини аниқлаш, қардош ҳамда айни ҳудудларда амал қилаётган тиллардаги турли соҳаларга оид терминларнинг ясаиш усул ва воситаларини, лингвистик-концептуал, мантикий-фалсафий назарияларни тадқиқ этиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослиги тажрибасида ўзбек ва қозоқ тиллари каби қардош ҳамда терминологик тизимлари бир социолингвистик муҳитда шаклланган тиллар мисолида қиёсий таҳлиллар амалга оширилмоқда. Бироқ ўрганилаётган тиллар терминологиясидаги тизимли муносабатлар, тиллараро қиёсий-типологик умумийлик ва хусусийликлар, тавсифий характердаги тадқиқотлар олиб бориш, тилшунослик терминосфераси босма ҳамда электрон луғатларини яратиш, терминологик бирликларнинг ҳар иккала тил ўқув дарсликларисида қўлланишидаги мутаносиблик ва номутаносиблик ҳолатларини, терминларнинг моҳиятини ташкил қилган морфологик, лексик-семантик, синтактик ҳодисалараро тафовутларни таҳлил қилиш зарурати мавжуддир.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги йиллардаги кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатлар ўрнатиш ва минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича юритган ташқи сиёсати натижасида Қозоғистон Республикаси билан маданий-маърифий ва илмий соҳалардаги ҳамкорлик ўзининг янги босқичига қадам қўйди. 2018 йилнинг Қозоғистонда “Ўзбекистон йили”, 2019 йилнинг Ўзбекистонда “Қозоғистон йили” деб эълон қилиниши давлатлараро алоқалар тарихида муҳим воқеа бўлиши билан бирга илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, “ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда”<sup>1</sup>. Жумладан, қардош Қозоғистонда 500 мингга яқин ўзбеклар яшайди, 139 та ўзбек мактаби, 10 та газета ва журнал, 2 та театр, 15 та миллий-маданий марказлар мавжуддир<sup>2</sup>. Ана шу ижтимоий-сиёсий яқинлик ва қардошлик бир тил оиласига мансуб бўлган ўзбек ва қозоқ тилларининг

---

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 21 октябрь, 2019.

<sup>2</sup> Этносы Казахстана. Узбеки // Ассамблея народов Казахстана - ASSEMBLY.KZ - <https://assely.kz/ru/ethnos/ru/uzbeki/> (январь, 2020).

терминологик тизимларини бугунги замонавий тилшунослик ёндашувлари асосида қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш тилшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалар ечимини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ва 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар ўзбек тилшунослигида турли тиллар доирасида ишлатилувчи муайян соҳа терминларининг қиёсий таҳлиliga бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Терминология ва унинг назарий ҳамда амалий масалалари, хусусан, тилшунослик терминларини қиёсий ўрганиш муаммолари Европа ва Америка тилшунослик мактабларининг етакчи вакиллари, шунингдек, Г.О.Винокур, В.В.Виноградов, А.А.Реформатский, О.С.Ахманова, А.М.Шчербак, В.П.Даниленко, А.Н.Кононов, Е.А.Колесникова каби рус олимлари тадқиқотларида ўрганилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования и русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. – Москва, 1939. – С. 3-54; Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. Изд. 2. – Москва: Высшая школа, 1972. – 599 с; Виноградов В.В. Избранные труды: Лексикология и лексикография. – Москва: Наука, 1977. – 312 с; Виноградов В.В. Избранные труды: Исследования по русской грамматике. – Москва: Наука, 1975. – 559 с; Реформатский А.А. Что такое термин и терминология // Вопросы терминологии. – Москва: Изд. АН СССР, 1961. – С. 46-54; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – 608 с; Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Имя). – Москва: Наука, 1977. – 191 с; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва: Наука, 1977. – 246 с; Кононов А.Н. В.В.Радлов и отечественная тюркология // Тюркологический сборник. – Москва: Наука, 1972. – С. 7-15; Колесникова Е.А. Русская лингвистическая терминология второй половины XVIII - первой трети XX вв // Мир науки, культуры, образования. № 2 (21). – Красноярск, 2010. – С. 222-226.

Қозоғистонда ҳам терминология масалалари анча жиддий тадқиқ этилган. Хусусан, тилшунослик терминларининг шаклланиши, таракқиёти кўплаб монография, диссертация ва дарсликларда ёритилган<sup>1</sup>.

Ўзбек тилшунослигида терминология масалалари Х.Дадабоев, И.Х.Содиқова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова ва Х.В.Мирзахмедовлар тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>2</sup>. Бевосита тилшунослик терминлари тадқиқига бағишланган изланишлар Л.В.Решетова, А.Ҳожиев, И.М.Якубов, А.Н.Ражабов, С.Т.Мустафаева, Д.И.Ходжаева, И.Р.Эрматовлар томонидан олиб борилди<sup>3</sup>.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тили луғавий ва грамматик бирликларининг функционал-прагматик ва когнитив-услубий таҳлили масалалари” (2016-2020 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминларининг умумтаълим мактаб дарсликларида берилишини қиёсий нуктаи назардан ёритиб беришдан иборат.**

---

<sup>1</sup> Ёбдирёсілов Е. Лингвистикалық терминдердің семантикалық қатынастары: Канд. дисс. автореф. – Алматы, 1999. – 29 б; Омарова Г.Е. Термины синтаксиса в учебной литературе: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Алматы, 1998. – 21 с; Қоңырова А.Т. Қазақ тіліндегі филологиялық терминдердің дамуы мен қалыптасу тарихы: Филол. ғыл. канд. дисс. автореф. – Алматы, 2003. – 32 б; Бекқожанова Г. Лингвистикалық терминдердің құрылымдық және семантикалық сипаты (қазақ, ағылшын тілдері негізінде): Филол. ғыл. канд. дисс. автореф. – Алматы, 2009. – 30 б; Кахраман М. Түрік, қазақ тілдері терминологиясының даму жолдары және лингвистикалық терминдер: Филол. ғыл. канд. дисс. автореф. – Астана, 2010. – 24 б.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с; Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1998. – 174 с; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирования астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2000. – 24 с; Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланган ҳуқуқий терминларнинг лисоний таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологияк тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2016. – 255 б; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 44 б; Мирзахмедова Х.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари: Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 45 б.

<sup>3</sup> Решетова Л.В. Грамматическая терминология узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1961. – 211 с; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент: Фан, 1996. – 45 б; ўша муаллиф. Ўзбек тилшунослик терминологиясининг ҳозирги ахволи ҳақида / Ўзбек тили терминологияси ва унинг таракқиёт перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 7; Якубов И.М. Анализ эквивалентности лингвистических терминов русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 20 с; Ражабов А.Н. Вопросы узбекской лингвистической терминологии в сопоставлении с русской: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 19 с; Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 42 б; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида): Фалсафа доктори ... дисс. – Тошкент, 2018. – 146 б; Эрматов И.Р. Ўзбек тилшунослик терминларининг шаклланиши ва таракқиёти (умумий ўрта таълим мактабларининг дарсликлари асосида): Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва қозоқ мактаб она тили дарсликларида берилган тилшунослик терминларини аниқлаш, жамлаш ва таснифлаш;

ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминларига доир тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш;

тиллардаги мазмунан ўхшаш ва бир хил хусусиятларга эга бўлган тилшунослик терминларини ўзбек ва қозоқ мактаб она тили дарсликлари мисолида очиб бериш;

фонетик, лексикологик ва стилистик терминларни қиёсий-типологик таҳлил этиш орқали тиллардаги умумий муштаракликни кўрсатиб бериш;

ҳар иккала тил мактаб дарсликларида берилган сўзларнинг морфологик таркиби ва тузилишига доир терминларнинг фарқли хусусиятларини очиб бериш;

синтактик ҳамда тиниш белгиларига доир терминларни таққослаш орқали тил ва терминологиядаги муайян уйғунликни аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мустақиллик йилларида нашр этилган ўзбек ва қозоқ тиллари умумтаълим мактабларининг дарсликларидаги тилшунослик терминлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактаб ўзбек ва қозоқ она тили дарсликларида берилган тилшунослик терминларининг қиёсий таҳлили ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий-типологик таҳлил, умумлаштириш, ўқув-услубий адабиётлар таҳлили, статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва қозоқ мактаб дарсликларида тилшунослик терминларининг берилиши илк бор қиёсий-типологик аспектда ёритилиб, уларнинг шаклий ва мазмуний қўлланишида тиллараро морфологик, семантик ҳамда синтактик мутаносиблик ва номутаносиблик ҳоллари типологияси асосланган;

XX аср бошларида ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминларининг шакллана бошлаганлиги, ҳар иккала тилда ҳам миллий лингвистик терминологияни яратиш асосий мақсад эканлиги далилланган;

морфологик терминларнинг тиллараро, хусусан, қардош, яқин ва кўшни тиллардаги лексик-семантик хусусиятлари, мактаб дарсликларидаги миқдор кўрсаткичи қиёсий таҳлиллар асосида очиб берилган;

икки қардош тилдаги мактаб она тили дарсликларида қўлланилган синтактик ҳамда тиниш белгиларига доир терминларни таққослаш орқали тил ва терминологияда муайян уйғунлик мавжудлиги назарий-амалий жиҳатдан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва қозоқ мактаб она тили дарсликларида тилшуносликка доир 925 та термин ишлатилгани қайд этилган, таснифланган, уларнинг мавзуий гуруҳлари қиёсланган;

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр этилган мактаб она тили дарсликларида тилшунослик терминлари тизимли асосда умумлаштирилиб,

ёндашувлар такомиллаштирилган, назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминларини тадқиқ этиш орқали чиқарилган илмий хулосалар келгусида шу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар учун назарий ва методологик асос вазифасини бажариши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилгани, қўлланилган усуллар ва илмий-назарий маълумотларнинг илмий манбаларга таянилганлиги, келтирилган таҳлил ҳамда натижаларнинг асосланганлиги, терминларга баҳо беришда ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар ўзбек ва қозоқ мактаб она тили дарсликларидаги лингвистик терминларнинг тузилиши ва талқини ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қилади, тилшунослик терминлари ҳақидаги билимларни бойитиши ҳамда ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминологиясини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фанини ўқитишда, шунингдек, қозоқ ва ўзбек тилларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, терминологик луғатлар тузиш, давлат тилини қиёсий ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва қозоқ тиллари лингвистик терминларини қиёсий тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар ҳамда тавсиялардан:

тилшунослик терминларининг шаклий ва мазмуний қўлланишида тиллараро морфологик, семантик ва синтактик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида олинган хулосалардан 2018-2020 йилларда бажарилган S-UZ800-18-GR-0022 рақамли “Access-STEM” номли лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 89-03-3720-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тилида яратилган дарсликлардаги терминологик аппаратнинг тил ўрганувчилари томонидан ўзлаштирилиши такомиллашган ва чет тил ўқитиш самарадорлиги ошган;

ўзбек ва қозоқ мактаб дарсликлари лингвистик терминларининг этимологияси, функционаллиги, тараққиёт босқичлари ва ушбу тадқиқот доирасида амалга оширилган қиёсий-типологик таҳлилларга доир хулосалардан Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус + дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 89-03-3720-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари қиёсланаётган тиллар лингвистик терминларининг босма ва электрон луғатларини ўрганиш, таълим тизими жараёнларини мустаҳкамлаш ва таълимни халқаролаштиришга олиб келган;

тадқиқотда лингвистик терминология, унинг она тилини ўқитишдаги аҳамияти ҳамда морфологик терминларнинг қардош, яқин ва қўшни тиллардаги лексик-семантик хусусиятларига доир хулосаларидан 2018-2020 йилларда бажарилган S-UZ800-18-GR-0022 рақамли “Access-STEM” номли лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 89-03-3720-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш икки тилдаги дарсликларни мукамаллаштиришга ва она тили ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

туркий тиллар умумий терминологиясини шакллантириш омиллари, жумладан, ўзбек ва қозоқ тиллари лингвистик терминологиясини қиёсий тадқиқ этиш тамойилларига доир хулосалардан Туркия Республикасининг Фират университети ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар кафедрасининг таълим жараёнида фойдаланилган (Фират университети ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар кафедрасининг 2020 йил 15 октябрдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш ўзбек тили, ўзбек адабиёти, қозоқ тили ва қозоқ адабиёти, туркий тиллар лексикологияси фанларини ўқитишни яхшилашга ҳамда тегишли мавзуларнинг талабалар томонидан чуқур ўзлаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 131 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот методлари, ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг “**Ўзбек ва қозоқ тиллари фонетик, лексикологик ва стилистик терминларининг қиёсий-типологик таҳлили**” деб номланган

биринчи боби биринчи фаслида “Тилшунослик терминларининг ўрганилиши” масалалари ёритилган. Тилшунослик терминларининг ўрганилиши тарихини: 1. Жаҳон, хусусан, рус тилшунослигида; 2. Қозоқ тилшунослигида ва 3. Ўзбек тилшунослигида ўрганилиши каби шартли гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминларининг диссертацияда келтирилган умумий обзорида кўра, ҳар икки тилшунослик мактабларида миллий лингвистик терминологияни яратиш асосий мақсад эканлиги англашилади. Шу билан бирга, ХХ асрда рус тилидаги терминологиянинг мазкур ўзбек ва қозоқ тилларига нисбатан таъсири катта бўлганини айтиш мумкин.

“Фонетик терминларнинг мактаб дарсликларидаги талқини” деб номланган иккинчи фаслда фонетик терминларнинг мактаб дарсликларида берилиши хусусида фикр юритилган. Қийсланаётган мактаб дарсликлари таҳлиliga кўра, “Она тили” дарсликларида фонетика бўлимига доир жами 31 та, “Қазақ тілі” дарсликларида эса 35 та термин келтирилган<sup>1</sup>. Ўзбек ёки қозоқ тилшунослигида товушларга тил/нутқ дихотомияси нуқтаи назаридан ёндашилгани кузатилади. Масалан, *товуш* – ўзбек тилида, *дыбыстар* – қозоқ тилида, яъни ўзбек тилида *нутқ товушлари*, қозоқ тилида эса *тіл дыбыстары (тил товушлари)* терминлари танланган. Шунинг учун *фонетика* терминига берилган таърифларда ҳам айрим фарқлар мавжуд. Қийсланг: “Оғзаки нутқнинг товуш тизимини ўрганадиган тилшунослик бўлими фонетика дейилади”<sup>2</sup>. “Фонетика – тіл дыбыстарының құрылымын зерттейтін сала”<sup>3</sup>.

Ўзбек ва қозоқ тиллари бўйича дарсликларда унли товушларни тавсифлаш ҳамда уларга нисбатан термин қўллашда ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатлари мавжуд:

1. “Она тили” дарслигида унлилар таснифини учратмаймиз. “Қазақ тілі” дарслигида эса бу масалага кенгрок эътибор қаратилган.

2. Ўзбек тилшунослигида унли товушлар тилнинг горизонтал ҳолатига кўра икки турга бўлиниб, *тил олди унлилари* ( и, э, а) ва *тил орқа унлилари* (у, ў, о) терминлари билан номланади<sup>4</sup>. Қозоқ тилида ҳам худди шундай унли товушлар тилнинг иштирокига кўра икки қисмга ажратилиб, *жуан дауысты*

---

<sup>1</sup> Қаранг: Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo‘raboyeva Z. *Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinf uchun darslik*. To‘ldirilgan 4-nashri. – Toshkent: Ma’naviyat, 2015. – 224 b. Кейинги ўринларда “Она тили” 5-sinf. 4-nashr тарзида қўлаймиз; Байқабылов У., Нишанова Г., Темирбаева М. *Қазақ тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердің 5-сыныбына арналған оқулық*. – Ташкент: O‘zbekiston, 2015. – 224 б. Кейинги ўринларда “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015 тарзида қўлаймиз.

<sup>2</sup> “Она тили” 5-sinf. 4-nashr. – В. 119.

<sup>3</sup> “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015. – Б. 131.

<sup>4</sup> Қаранг: Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм. *Фонетика, лексикология, морфология*. – Тошкент: Фан, 1966. – 390 б; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. *Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б; Асқарова М., Абдурахмонов Х. *Ўзбек тили грамматикасининг практикуми*. – Тошкент: Фан, 1981. – 248 б; Азизов О. *Тилшуносликка кириш*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 176 б; Ҳожиев А. *Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати*. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 164 б; Жамолхонов Х. *Ўзбек тилининг назарий фонетикаси*. – Тошкент: Фан, 2009. – 218 б.

(а, о, ұ, ы, (у)) ва *жіңішке дауысты* (ә, е, ү, і, ө, э, и, (y)) терминлари билан аталади. Қозоқ тилидаги *жуан дауысты* (йўгон унлилар) ўзбек тилидаги *тил орқа унлиларига* ва *жіңішке дауысты* (ингичка унлилар) *тил олди унлиларига* тўғри келади<sup>1</sup>.

3. Лабларнинг иштирок этиш ёки этмаслигига кўра қиёсланаётган икки тилда ҳам унлилар лабланган ва лабланмаган унлилар терминлари билан ифодаланган. Масалан, *лабланган унлилар* – ўзбек тилида, *еріндік дауыстылар* – қозоқ тилида. *Лабланмаган унлилар* – ўзбек тилида, *езулік дауыстылар* – қозоқ тилида<sup>2</sup>.

4. Туркий тилларда унлиларнинг энг муҳим фарқловчи белгиларидан бири кенглик ва торлик, яъни оғизнинг очилиш даражасига хос белгидир<sup>3</sup>. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилида унли товушлар оғизнинг очилиш даражасига кўра учта термин (*юқори тор унли: и, у, ўрта кенг унли: е, ў, қуйи кенг унли: а, о*<sup>4</sup>) билан аталса, қозоқ тилида эса улар иккита термин (*ашық дауыстылар: а, ә, о, ө, э; қысаң дауыстылар: ы, і, и, ұ, ү, у*) билан юритилади. Бу ерда *ўрта кенг унлиси* деб юритилувчи терминнинг “Қазақ тілі” дарслигида эквиваленти учрамайди.

5. Қайси нутқ аппарати аъзосининг иштирок этишига ва пайдо бўлиш усулига кўра ҳосил бўладиган товушларнинг ўзбекча терминлар билан ифодаланиши “Қазақ тілі” дарслигида учрамайди: *Лаб товушлари: лаб-лаб* ва *лаб-тиш товушлари; Тил товушлари: тил олди, тил ўрта, тил орқа, чуқур тил орқа ундош товушлари; Бўғиз товуши; Бурун товушлари; Портловчи, сиргалувчи ва портловчи-сиргалувчи ундошлар*. Қозоқ тилида бу товушлар *қатаң (жарангсиз) дауыссыз* (п, ф, к, қ, т, с, ш, ц, х, ч, ц), *ўяң (жарангли) дауыссыз* (б, в, г, г, ж, з, д, һ), *үнді (сонор) дауыссыз* (р, л, м, н, нг, й, у) каби терминлар билан юритилади.

6. Қиёсланаётган фонетик терминларнинг яна бир фарқли жиҳати шундаки, “Қазақ тілі” дарслигида фонетик қонуният асосида юз берадиган ўзгаришлар ва уларни ифодаловчи терминлар ҳам келтирилган. Жумладан, *үндестік заңы* - уйғунлашиш қонунияти мавзуси берилган бўлиб, унда *буын үндестігі* (бўғин уйғунлашиши), *дыбыс үндестігі* (товуш уйғунлашиши), *ілгерінді ықпал* (илгари таъсир), *кейінді ықпал* (кейинги таъсир) терминлари мисоллар асосида ёритиб берилган. Тилдаги бу ҳодиса “Ona tili” дарслигида махсус ёритилмаган. Унда фақат *товуш тушиши* ва *товуш орттирилиши* ҳодисалари ҳақида қисқагина маълумот берилган<sup>5</sup>.

Мазкур бобнинг учинчи фасли “*Лексикологик ва стилистик терминларнинг қиёсий-типологик таҳлили*” деб номланган. Маълумки, ҳар бир тилнинг лексикологияси умумий лексикологиянинг умумназарий тамойилларига асосланади ва маълум бир тилнинг сўз бойлигини ўрганеди.

<sup>1</sup> “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015. – Б. 137.

<sup>2</sup> “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015. – Б. 140.

<sup>3</sup> Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Ленинград: Наука, 1970. – С. 27.

<sup>4</sup> Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 62.

<sup>5</sup> “Ona tili” 5-sinf. 4-nashr. – B. 163.

Шу нуқтаи назардан ўзбек ва қозоқ тилшунослигининг лексикологик терминларини қиёслаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кузатишлар натижасида дарсликларда ифодаланган сўз маънолари билан боғлиқ терминлар ўртасида ўзига хос ўхшашликлар кўзга ташланади: *ўз маъно* – ўзбек тилида, *тура маъно* – қозоқ тилида. *Ўз маъно* изоҳи: “Сўзларнинг нутқ жараёнига боғлиқ бўлмаган аташ маъноси ўз маъно саналади”. *Тура маъно* изоҳи: “Сўздің затты я қўбылысты атап білдіретін мағынасы тура мағына деп аталады”. *Кўчма маъно* – ўзбек тилида, *ауыспалы маъно* – қозоқ тилида. *Кўчма маъно* изоҳи: “Сўзнинг нутқда бошқа сўзларга боғланиб ҳосил қиладиган ёндош маъноси кўчма маъно ҳисобланади”. *Ауыспалы маъно* изоҳи: “Сўздің тура мағынасының негізінде туып, өрбіген, жалпы көпшілікке түсінікті ауыспалы мағыналары да болады”<sup>1</sup>.

Дарсликларда келтирилган *маънодош сўзлар (мәндес сөздер), зид маъноли сўзлар (қарсы мәндес сөздер), шевага хос сўзлар (жергілікті сөздер), иборалар (тұрақты тіркестер), эскирган сўзлар (көнерген сөздер), янги сўзлар (жаңа сөздер), олинма сўзлар (кірме сөздер)* терминлари мазмунан ўхшаш ва хусусиятлари ҳам бир хил.

“*Ona tili*”да *услуг* ва *услугунослик* терминлари “Қазақ тілі”да *стиль* ва *стилистика* терминлари билан берилган. Аслида ўзбек тилида *услуг стиль*, *услугунослик* эса *стилистика* терминлари билан синоним сифатида қўлланилади<sup>2</sup>. “*Ona tili*” мактаб дарсликларида эса уларнинг фақат арабчадан ўзлашган варианты ишлатилган. *Стиль* терминининг “Қазақ тілі” дарсликларида лотинча “*стилос*” (*жазу қўралы*) сўзидан олинганлиги изоҳланган<sup>3</sup>. Бинобарин, тилшуносликнинг нутқ услубларини ўрганувчи соҳаси “*Ona tili*”да *услугунослик*, “Қазақ тілі”да *стилистика* терминлари билан номланган. Ўзбек тилида *нутқ услубларининг* қуйидаги беш тури келтирилган: *сўзлашув услуби, публицистик услуб, илмий услуб, расмий услуб, бадий услуб*. Қозоқ тилида ҳам *тіл стильдері* терминининг *сөйлеу стилі, көркем әдебиет стилі, публицистикалық стиль, ғылыми стиль, ресми іс-қағаздары стилі* каби беш тури мавжуд.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбек ва қозоқ тиллари морфологик терминларининг қиёсий-типологик таҳлили**” деб номланиб, биринчи фасли “*Сўзларнинг морфологик таркиби ва сўз тузилиши*”га доир терминлар таҳлиliga бағишланган. Ўзбек ва қозоқ тиллари морфологик хусусиятларига кўра агглютинатив тиллар бўлиб, сўзларининг морфологик таркиби асос ва қўшимчалардан ташкил топган. Ўзбек ва қозоқ тилларида *асос* ва *қўшимчалар* терминларига берилган таърифлар мазмунан мос келади. Қиёсланг: *асос* – ўзбек тилида, *түбір сөз* – қозоқ тилида. *Асос* изоҳи: “Сўзнинг асосий маъносини ифодалаб, мустақил қўллана оладиган қисми *асос* дейилади”, *түбір сөз* изоҳи: “Сўздің мағына беретін ең түпкі бөлшегі

<sup>1</sup> “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015. – Б. 190.

<sup>2</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б; Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 104 б.

<sup>3</sup> Айтбаев Д., Айтбаева Г., Абдураимова Г. Қазақ тілі. 10-сыныбы үшін оқулық. – Ташкент: Чулпан атындағы БПШУ, 2017. – Б. 27.

негізгі түбір немесе түбір сөз деп аталады”. Қўшимча – ўзбек тилида, қосымша – қозоқ тилида. Қўшимча изохи: “Мустақил қўллана олмайдиган, асосга қўшилиб, унга янги ёки қўшимча маъно юклайдиган, шунингдек, сўзларни боғлашга хизмат қиладиган қисмга қўшимча дейилади”<sup>1</sup>, қосымша изохи: “Түбірге жалғанатын бөлшек қосымша деп аталады”<sup>2</sup>.

Маълумки, ўзбек тилида қўшимчалар вазифасига кўра икки турга бўлинади: сўз ясовчи қўшимчалар ва шакл ясовчи қўшимчалар. Шакл ясовчи қўшимчаларнинг вазифасига кўра лугавий шакл ясовчи қўшимчалар ва синтактик шакл ясовчи қўшимчалар терминлари (эгалик, келишик, шахсон, замон, майл...) билан номланган<sup>3</sup>.

Қозоқ тилида ҳам қўшимчаларнинг бу икки тури берилган бўлиб, улар *жўрнақ* ва *жалғау* терминлари билан аталган. Бунда *жўрнақ* термини ўзи қўшилган сўзнинг маъносини ўзгартириб, сўзга янги маъно қўшади. “Қазақ тілі”да *сөз тудырушы жўрнақтар* ва *сөз түрлендіруші жўрнақтар* терминлари жўрнақнинг турлари сифатида берилган<sup>4</sup>. Қўшимчаларнинг иккинчи тури ҳисобланувчи *жалғау* термини сўз билан сўзни боғлайдиган қўшимчалар сифатида қаралиб, ўз таркибига кўплик (көптік), келишик (септік), эгалик (тәуелдік) ва тусловчи (жіктік) қўшимчаларни қамраб олади.

Кўринадикки, ўзбек ва қозоқ тилларидаги қўшимчаларнинг ички таснифи бир-биридан фарқ қиладди. Бу ҳолат морфонологик ва морфофонологик қурилиши жуда яқин бўлган қардош тиллардаги моҳиятан яқин ҳодисалар тилшунослар тарафидан турлича талқин қилинаётгани билан изоҳланади. Масалан, ўзбек тилида *лугавий шакл ясовчи қўшимчалар* таркибига кирувчи кўплик (-лар) шакли қозоқ тилида сўз билан сўзни боғловчи *жалғау* термини таркибида берилган.

Худди шундай ҳолатга сўзларнинг тузилишига кўра турларини таснифлашда ҳам дуч келамиз: ўзбек тилида лексема тўрт (*содда сўз*, *қўшма сўз*, *жуфт сўз* ва *такрорий сўз*) турга, қозоқ тилида икки (*дара сөз* ва *кўрделі сөз*) турга бўлинади. Бунда таққосланаётган тиллардаги *содда сўз* ва *дара сөз* терминларининг хусусиятлари бир хил, яъни битта асосдан ҳосил бўлган. Аммо *қўшма сўз* ва *кўрделі сөз* терминлари маълум бир хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладди. Масалан, ўзбек тилида қўшма сўзлар иккига бўлиниб, *қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар* (*эрксевар*, *софдил*, *олийжаноб*) ва *ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар* (*Ўрта Осиё*, *ҳеч қачон*, *ўн икки*) термини билан аталади. Қозоқ тилидаги *кўрделі сөз* термини эса ясаилишига кўра тўрт турга ажратилиб, *біріккен сөз*, *қос сөз*, *қысқарған сөз* ва *тіркесті сөз* терминлари билан юритилади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablaring 6-sinf uchun darslik. 4-nashri. – Toshkent: Tasvir, 2017. – B. 23. Кейинги ўринларда “Ona tili” 6-sinf. 4-nashr тарзида қўллаймиз.

<sup>2</sup> “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015. – Б. 69-71.

<sup>3</sup> “Ona tili” 6-sinf. 4-nashr. – B. 29.

<sup>4</sup> “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015. – Б. 74.

<sup>5</sup> Исабаев Ө., Исаев С., Дәулетбекова Ж., Нишанова Г. Қазақ тілі. 6-сыныпқа арналған оқулық. – Ташкент: O‘zbekiston, 2017. – B. 30. Кейинги ўринларда “Қазақ тілі” 6-сынып. 2017 тарзида қўллаймиз.

Туркий тиллар қиёси билан шуғулланган Ё.Абдурасуловнинг таъкидлашича, аббревиатуралар ҳамма туркий тилларга рус тилининг таъсири натижасида кириб келган<sup>1</sup>. Бу фикрга қозоқ тилшуноси А.Ысқақов ҳам ўзининг “Қазіргі қазақ тілі” китобида тўла қўшилади”<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам солиштирилаётган тиллардаги мазкур терминларнинг ясалиши ва имлоси умумий характерга эга, дейиш мумкин.

Сўзларнинг сўроғи ва қандай умумлашган маъно ифодалашига кўра гуруҳларга бўлиниши ўзбек тилида *сўз туркумлари*, қозоқ тилида *сөз топтары* терминлари билан юритилади. “Ona tili”да сўз туркумларини турларга ажратишда ҳар хилликни кўриш мумкин. Масалан, 6-синф “Ona tili” дарслигининг 2013 йилда чоп этилган 3-нашрида сўз туркумлари маъно ва вазифасига кўра беш турга ажратилиб, *мустақил сўзлар*, *ёрдамчи сўзлар*, *ундов сўзлар*, *тақлид сўзлар*, *модал сўзлар* терминлари билан номланган. 2017 йилда нашр этилган 4-нашрида эса уч гуруҳга бўлиниб, *мустақил сўзлар* (*феъл*, *от*, *сифат*, *сон*, *олмош*, *равиш*), *ёрдамчи сўзлар* (*кўмакчи*, *боғловчи*, *юклама*) ва *алоҳида олинган сўзлар* (*ундов сўзлар*, *тақлид сўзлар*, *модал сўзлар*) терминлари билан аталган. 7-синф “Ona tili” дарслигининг 2017 йилда чоп этилган 4-нашрида сўзлар маълум сўроққа жавоб бўлиши ёки бўлмаслиги, аташ маъносининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига, гапда маълум гап бўлаги вазифасида келиш-келмаслигига кўра икки турга бўлинган ва *мустақил сўзлар*, *ёрдамчи сўзлар* терминлари билан берилган<sup>3</sup>. Сўз туркумлари билан боғлиқ бу каби таснифлар ўқувчиларни чалғитиши, яқдил бир фикрга келмаслигига хизмат қилиши мумкин.

Сўз туркумларининг миқдори тилларда турли хил. Худди шундай ҳолат ўзбек ва қозоқ тиллари она тили дарсликларида ҳам кузатилади. Ўзбек тилида сўз туркумлари жами ўн иккита бўлиб, *от*, *сифат*, *сон*, *олмош*, *равиш*, *феъл*, *кўмакчи*, *боғловчи*, *юклама*, *ундов сўзлар*, *тақлид сўзлар*, *модал сўзлар* терминлари билан номланган. Қозоқ тилида эса сўз туркумлари жами тўққизта бўлиб, *зат есім*, *сын есім*, *сан есім*, *есімдік*, *етістік*, *үстеу*, *еліктеу сөздер*, *шылау* ва *одағайлар* терминлари билан аталган.

Бобнинг иккинчи фасли “*Мустақил сўз туркумлари*” деб номланган бўлиб, унда феъл, от, сифат, сон, олмош ва raviш сўз туркумига доир терминлар тиллараро таҳлил қилинган. Феъл сўз туркуми хақидаги маълумотлар ўзбек тили мактаб дарслиklarининг 5-6-<sup>4</sup>, қозоқ тили дарслиklarининг 5-, 6- ва 7-синфларида келтирилган<sup>5</sup>. Улар *бўлишли феъл* – *болымды етістік*, *бўлишсиз феъл* – *болымсыз етістік*, *ўтимли* – *сабақты*,

<sup>1</sup> Абдурасулов Ё. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 103.

<sup>2</sup> Ысқақов А. Қазіргі қазақ тілі. Морфология. – Алматы: Ана тілі, 1991. – Б. 124.

<sup>3</sup> Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. 3-nashri. – Toshkent: Tasvir, 2013. – B. 29; “Ona tili” 6-sinf. 4-nashri. – B. 35; Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D., Mirzaahmedov A. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. 4-nashri. – Toshkent: Ma'naviyat. 2017. – B. 72. Кейинги ўринларда “Ona tili” 7-sinf. 4-nashr тарзида қўллаймиз.

<sup>4</sup> Қаранг: “Ona tili” 5-sinf. 4-nashr, – 224 б; “Ona tili” 6-sinf. 4-nashri, – 208 б.

<sup>5</sup> “Қазақ тілі” 5-сынып. 2015. – 224 б; “Қазақ тілі” 6-сынып. 2017. – 208 б; Айтбаев Д., Айтбаева Г., Темірбаева М. Қазақ тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердің 7-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: Sharq, 2017. – 160 б.

*ўтимсиз – салт, нисбат – етіс, ўзлик нисбат – өздік етіс, орттирма нисбат – өзгелік етіс, биргалик нисбат – ортақ етіс, мажхул нисбат – ырықсыз етіс, сифатдош – есімше, равишдош – көсемше, ҳаракат номи - тўйық етістік, феъл замонлари - етістіктің шақтары, ҳозирги замон - осы шақ, келаси замон - келер шақ, ўтган замон - өткен шақ, феъл майллари - етістіктің райлары* каби терминлар “Ona tili” дарсликлариде жами 49 та, “Қазақ тілі” дарсликлариде эса 42 та берилган.

Ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабатини билдирувчи грамматик категория *феъл нисбати/етістер* дейилади. Бу терминларнинг дарсликлардаги таҳлилига кўра изоҳлари бир тушунчани ифодалаш учун хизмат қилган. Бироқ уларнинг турларида ўхшашлик билан биргаликда, айрим фарқли жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, феъл нисбатларининг “Ona tili” дарлигида беш (*аниқ нисбат, ўзлик нисбат, мажхул нисбат, орттирма нисбат, биргалик нисбат*) тури, “Қазақ тілі” дарлигида эса тўрт (*өздік етіс, ырықсыз етіс, өзгелік етіс, ортақ етіс*) тури берилган. Феълнинг оддий (*аниқ*) нисбати хақида қозоқ тили дарлигида маълумотлар берилмаган.

Бир турдаги шахс, нарса ва ўрин-жойларнинг умумий номини билдирувчи ёки шахс, нарса, ўрин-жойларга атаб қўйилган номларни ифодаловчи отлар *турдош от* (ўзбек тилида) – *жалпы есім* (қозоқ тилида), *атоқли от* (ўзбек тилида) – *жалқы есім* (қозоқ тилида) терминлари билан юритилади ва ушбу терминлар айнан бир тушунчани ифодалайди. Худди шундай *аниқ от* (ўзбек тилида) – *деректі зат есім* (қозоқ тилида), *мавҳум от* (ўзбек тилида) – *дерексіз зат есім* (қозоқ тилида) терминларига берилган изоҳларда ҳам бир хилликни кўриш мумкин.

Маълумки, ҳозирги туркий тилларда келишиклар миқдор жиҳатидан унчалик фарқ қилмайди (татар, гагауз, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ, ўзбек тилларида 6 та, қозоқ тилида 7 та, хакас ва чуваш тилларида 8 та, ёқут тилида 9 та, турк тилида 9 та). Ўзбек, қозоқ тилларида келишик шакллари тизими қуйидагича:

## 1-жадвал

### Ўзбек, қозоқ тилларида келишик шакллари

№	Ўзбек тилида	Қўшимча	Қозоқ тилида	Қўшимча
1.	бош келишик	–	атау септігі	–
2.	қаратқич келишик	<i>-нинг</i>	ілік септігі	<i>-ның, нің, дың, дің</i>
3.	жўналиш келишик	<i>-га, -ка, -қа</i>	барыс септігі	<i>-қа, -ке, -ға, -ге, -а, -е,</i>
4.	тушум келишик	<i>-ни</i>	табыс септігі	<i>-ды, -ді, -ты, -ті, -ны, -ні</i>
5.	ўрин-пайт келиши	<i>-да</i>	жатыс септігі	<i>-да, -де, -та, -те, -нда,</i>
6.	чиқиш келишиги	<i>-дан</i>	шығыс септігі	<i>-нан, -нен, -дан, -ден, -т</i>
7.	-	-	көмектес септігі	<i>-мен, -бен, -пен</i>

Фарқли жихатлари: козоқ тилида келишик қўшимчалари сингармонизм ва унга боғлиқ ассимиляция қондасига кўра туб асосга бир нечта вариантларда қўшилади<sup>1</sup>. Ўзбек ва козоқ тилларида келишик шакллари ўртасида ўзаро маъно ва вазифаси жихатидан бир хиллик кўзга ташланади. Фақат козоқ тилидаги еттинчи келишик, яъни *-мен, -бен, -пен* қўшимчаларига эга бўлган *көмектес септік* термини козоқ тили учунгина хос эканлиги кўзга ташланади. Ўз навбатида, *-мен, -бен, -пен* шакли ўзбек тилидаги ёрдамчи сўз туркумига кирувчи *билан* қўмакчисига тўғри келади. Қозоқ тили келишиклар сонидеги бундай ортикликни А.Рафиев “аслида кейинги даврда қўмакчи ва бошқа тил унсурларининг вазифалари кенгайганлиги туфайли пайдо бўлган дейиш мумкин”, – дея изоҳлайди<sup>2</sup>.

Бобнинг учинчи фаслида “*Ёрдамчи сўз туркумлари*” қиёслаб ўрганилди. Ҳар икки тилда ҳам *ёрдамчи сўзлар (көмекші сөздер)* термини лексик маънога эга эмас ва яқка ҳолда гап бўлаги бўла олмайди, ўзи боғланиб келган сўз билан биргаликда гапнинг бирор бўлаги вазифасида келади. Ўзбек тилида *ёрдамчи сўзлар* уч турга бўлиниб, *қўмакчи, боғловчи* ва *юклама* терминлари билан аталади. Қозоқ тилида эса *көмекші сөздер*, яъни ёрдамчи сўзларнинг тури сифатида *шылау сөздер* термини келтирилган. Мазкур ёрдамчи сўзлар ҳам ўз навбатида, уч турга ажратилиб, *септеулік шылау, жалғаулық шылау, демеулік шылау* терминлари билан номланган.

*Боғловчи* термини “*Она тили*” дарслигига кўра икки ва ундан ортик гап бўлаги ёки қўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро тенг ва тобе боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзлар бўлса, “Қазак тили”да сўз билан сўзни, гап билан гапни тенг даражада боғловчи ёрдамчи сўз сифатида изоҳланган.

Ўзбек тилида боғловчиларнинг вазифасига кўра *тенг* ва *эргаштирувчи боғловчи* турлари мавжуд. Қозоқ тилидаги *жалғаулық шылау*, яъни боғловчилар гап ва сўзларни фақат тенг даражада боғлайди. Тобе боғлаш *жалғаулық шылау* терминига хос эмас. Шунинг учун унинг турлари билан боғлиқ терминлар ўзбек тилидаги боғловчи турларидан фарқ қилади.

Ёрдамчи сўз туркумларидан яна бири бўлган юкламалар козоқ тилида *демеуліктер* деб аталади. Сўроқ юкламаларидан *-ма // -ми, -чи // -ше* шакллари иккала тилда ҳам қўлланилиб, козоқ тилида бир неча фонетик шаклларга эга; *-а, -я* шакли фақат ўзбек тилида мавжуд бўлиб, бошқа туркий тилларда учрамайди<sup>3</sup>, ўзи қўшилган гапга таажжуб маъносини юклайди. Шунинг учун ушбу юкламалар ўзбек тилида *сўроқ-таажжуб юкламалари*, козоқ тилида *сўраулық демеуліктер* терминлари билан аталади.

Мустақил сўз туркумига ҳам, ёрдамчи сўз туркумига ҳам кирмайдиган сўзлар ўзбек тилида *ундов сўзлар, тақлид сўзлар, модал сўзлар*, козоқ тилида *одағай сөздер, еліктеу сөздер* терминлари билан юритилади.

<sup>1</sup> Булекбаева Ш. Она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўргатиш (Таълим козоқ тилидаги мактаблар мисолида): Пед. фан..бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Самарқанд, 2019. – Б. 71.

<sup>2</sup> Рафиев А. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 52.

<sup>3</sup> Абдурасулов Ё. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. – Тошкент, 2008. – Б. 202.

Ишнинг учинчи боби “Ўзбек ва қозоқ тиллари синтактик терминларининг қиёсий-типологик таҳлили” деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида “Сўз бирикмаларига оид терминлар” масаласи тадқиқ этилган.

